

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМЕДОВА ШОҲИДА НУМАНОВНА

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
ОЗИҚ МОДДАЛАРГА БЎЛГАН ФИЗИОЛОГИК
ТАЛАБИ ВА УНИНГ ҚОНДИРИЛИШИ
(Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида)

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Умедова Шоҳида Нумановна

Академик лицей ва юқори синф ўқувчиларининг озиқ моддаларга бўлган физиологик талаби ва унинг кондирилиши (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида) 3

Умедова Шоҳида Нумановна

Физиологическая потребность в пищевых веществах учащихся академических лицеев и старшекласников (на примере Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей) 23

Umedova Shoxida Numanovna

Physiological need for food substances of students of academic lyceums and high schoolers (on the example of Kashkadarya and Surkhandarya regions).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМЕДОВА ШОҲИДА НУМАНОВНА

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
ОЗИҚ МОДДАЛАРГА БЎЛГАН ФИЗИОЛОГИК
ТАЛАБИ ВА УНИНГ ҚОНДИРИЛИШИ
(Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида)**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/В204 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://qarshidu.uz/uz>) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (<http://ziyonet.uz/>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурбонов Шойнёз Қурбонович
биология фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Кучкарова Любовь Салижановна
биология фанлари доктори, профессор.

Рузиев Юнус Самандарович
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент.

Ётақчи ташкилот:


Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети.

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даража берувчи PhD.03/30.06.2020.В.70.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "3" 07 соат 11⁰³ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103 Қарши шаҳри, Кучабог кучаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Физика-математика факультети, 102-хона.


Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (44 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103 Қарши шаҳри, Кучабог кучаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "22" 06 кuni тарқатилди.
(2021 йил 22.06 даги 103 рақамли реестр баённомаси).




А.В. Хандаров
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
биология фанлари доктори, профессор.

Ш.А. Саматова
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
биология фанлари номзоди, доцент.


Л.Х. Ёзиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати: Жаҳон Соғлиқни Сақлаш департаментининг ахборотларида, кейинги йилларда ўсмир-ёшларнинг амалдаги овқатланишида қатор камчиликлар ва улар билан боғлиқ алиментар касалликлар қайд қилинмоқда. Истеъмол таомлари таркибида макронутриентларнинг сезиларли даражада кам бўлиши алиментар дистрофияни келтириб чиқараётган бўлса, айнан оқсилнинг етишмаслиги квашиоркор, маразм, оқсил тақчиллиги, оқсил энергетик тақчиллик, жисмоний, аклий заифликка, макронутриентларнинг белгиланган меъёрдан кам миқдорда қабул қилиниши шаклдорлик, рахит, цинга, анемия, эндемик буқоқ, тутқанок, прасада ва бошқа касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолатларнинг олдини олинишида организмни озик моддаларга бўлган физиологик талабининг меъёрида қондирилиши муҳим ўрин тутади.

Дунё олимлари томонидан турли хил алиментар касалликлар сонининг кўпайиб бораётганлигига аҳолининг носоғлом овқатланиши сабаб бўлаётганлиги таъкидланмоқда. Биргина овқатланиш меъёрининг бузилиши оқибатида аклий ва жисмоний иш қобилиятининг пасайиши, тана вазнининг ортиши ёки камайиши, умумий интеллектнинг издан чиқиши ҳамда организмнинг стресс омилларга қарши курашувчанлик қобилиятининг сусайиши каби ҳолатлар келиб чиқиши аниқланган. Сўнгги йилларда бу нафақат катта ёшлиларда, балки болалар ва ўсмирлар орасида ҳам кузатилмоқда. Ушбу ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида кундалик рационни тўлақонли ташкил этиш, аҳоли орасида соғлом овқатланиш бўйича тарғибот ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон шароитида шаҳар ва қишлоқлардаги ўқувчиларнинг амалдаги овқатланиши бир қатор иқтисодий-ижтимоий ва бошқа омиллар ҳамда маҳаллий урф-одатлар таъсирига кўра бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Ўсмир-ёшлар ўсиб ривожланишини меъёрида боришини таъминлаш ва улар организмни ҳар хил давр касалликларидан муҳофаза қилишда тўғри овқатланишнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш” бўйича вазифалар белгилаб берилган ¹. Овқатланиш билан бевосита боғлиқ бўлган нохушликларни бартараф қилиш мақсадида жойларда болалар ва ўсмирларнинг маҳаллий шароитларга кўра кундалик таомланишини миқдор ва сифат жиҳатдан физиологик-норматив талабларга мослигини аниқлаш илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон “Мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2015 йил 29 августдаги 251-сонли “2015-2020 йиллар давомида соғлом овқатланишни таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳоли соғлом овқатланишини йўлга қўйиш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги 25-30 йил ичида жаҳон миқёсидаги нуфузли ташкилотларнинг ахборотларида инсониятнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш мақсадида жойлардаги аҳоли турли гуруҳларининг овқатланиш мониторинги натижалари эълон қилина бошланди^{2,3,4}.

Россия олимлари томонидан ҳам мазкур масала ишга яроқли аҳоли гуруҳларида, ўсмир-ёшлар ўқувчи ва талабалар, спортчилар ва бошқа аҳоли гуруҳларида соғлом турмуш тарзининг муҳим таркиби сифатида батафсил ўрганилган (Тутельян, 2005, 2006; Мартинчик ва бошқ., 2017; Шакаримов, 2017).

Ўзбекистон шароитида ўқувчи-ёшларнинг овқатланиш ҳолати Н.В. Воронина (1993), А.С. Худойберганов (1993), Г.И. Шайхова (1999), Ё.Ш. Раҳматуллаев (2009) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Республиканинг жанубий вилоятлари шароитида юқори синф ва академик лицей ўқувчиларининг амалдаги овқатланиши ҳозиргача ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон “Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятлари шароитида аҳоли турли гуруҳларининг амалдаги овқатланиши ва уни рационаллаштириш масалалари” илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

² Питание глобальная проблема., Рим, 1992.

³ Рацион, питание и предупреждение хронических заболеваний, Женева, 2003.

⁴ Глобальная стратегия по питанию, физической активности и здоровью, Женева, 2004.

Тадқиқотнинг мақсади Қарши ва Термиз шаҳарлари шароитида академик лицей ва юқори синф ўқувчиларининг амалдаги овқатланишининг физиологик талабларга мослик даражасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари шароитида ўқувчи-ёшларнинг амалдаги овқатланишини аниқлаш;

ўқувчиларнинг амалдаги овқатланиши натижаларини физиологик талаблар асосида таҳлил қилиш;

амалдаги овқатланиш натижаларини меъёр талабларидан қай даражада фарқ қилишини аниқлаш;

ўқувчиларнинг амалдаги овқатланиши уларнинг тана вазни индекси (Кетле индекси)га таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қарши ва Термиз шаҳарларидаги академик лицей ва умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган юқори синф ўқувчилари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Қарши ва Термиз шаҳарларидаги академик лицей ва умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг озиқ моддаларга бўлган физиологик талаби ва унинг қондирилиш даражаси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш давомида анкета-сўров, биокимёвий таҳлил, антропометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жанубий Ўзбекистон шароитида ўқувчиларнинг амалдаги овқатланиши аниқланган ва шу ёшдаги организмнинг физиологик талабларидан келиб чиқиб уларни қай даражада қондирилганлиги очиб берилган;

ўқувчиларнинг овқат рационида кальций, йод элементлари, С, А, D, В₉, В₁₂ витаминларининг меъёрдан камлиги, магний элементи, В₁, В₆ витаминларининг кўплиги, темир элементи ва РР витаминининг меъёрда эканлиги аниқланган;

ўқувчиларни амалдаги овқатланиши билан уларнинг ўқув юктамалари ҳамда янги жамоага адаптация бўлиш даражалари ўртасидаги боғлиқлик кузатилган;

ўқувчиларни амалдаги овқатланиши меъёр талабларига мос келмаслиги аниқланган ва бу ҳолат уларнинг тана вазни индекси (Кетле индекси)га таъсир этганлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қарши ва Термиз шаҳарлари шароитида академик лицей ва юқори синф ўқувчилари истеъмол қиладиган 18 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибини биокимёвий таҳлил қилиш асосида ўқувчиларнинг амалдаги овқатланишида физиологик номуносиблик мавжудлиги аниқланган;

хар иккала шаҳардаги ўқувчиларнинг умумий ёғлар билан таъминланиши ўсимлик ёғлари ҳисобидан меъёр даражасида ёки ундан кўп эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишни бажаришда физиологик, Кьельдаль, хроматографик таҳлил, масс-спектрометр усуллари ҳамда сўнгги авлод лаборатория ускуналаридан фойдаланилганлиги, солиштирилган меъёр кўрсаткичларидаги фарқлар Excel дастури ва OriginPro 6.1 дастурий пакети ёрдамида қайта ишланганлиги, натижаларнинг республика, халқаро анжуманларда муҳокамаси, шунингдек, рецензияланган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикамизнинг жанубий вилоятларидаги академик лицей ва юқори синф ўқувчилари учун овқатланиш рационини тузишда асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти ишда келтирилган маълумотларнинг ўқувчи-ёшларда тўғри овқатланиш билан боғлиқ бўлган соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётга жорий қилишда тарғибот материали, шунингдек, ўсмир-ёшларнинг соғлом овқатланишини ташкил қилиш ва амалга оширишда тегишли соҳа мутахассислари учун бирламчи илмий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Академик лицей ва юқори синф ўқувчиларининг озиқ моддаларга бўлган физиологик талаби ва унинг қондирилиши бўйича олинган натижалар асосида:

Жанубий Ўзбекистон шароитида ўқувчиларнинг амалдаги овқатланиши шу ёшдаги организмнинг физиологик талабларидан келиб чиқиб қай даражада қондирилганлигига оид хулосалардан ноқулай экологик шароитда яшайдиган ўсмирлар соғлом овқатланишини таъминлаш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқишда методик материал сифатида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 2021 йил 7 январдаги 12/2/00-62-сон маълумотномаси). Натижада бу Оролбўйидаги ноқулай шароитда яшовчи ўсмирлар саломатлигига атроф-муҳитнинг ноқулай омиллари ва экологик инқироз таъсирини камайтириш имконини берган;

ўқувчиларнинг истеъмол таомлари таркибида кальций ва йод моддаларининг, С, А, D, В₉ ва В₁₂ витаминларининг меъёрдан кам эканлигига доир хулосасидан ФА-Ф-6-004 рақамли «Юрак-қон томир касалликларини даволашни адекват йўллари ишлаб чиқиш учун юрак ва силлиқ мушак хужайралари истикболли нишонларини модуляция механизмларининг комплекс тавсифи» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 январдаги 89.03-489-сон маълумотномаси). Натижа аорта силлиқ мускул хужайраларидаги Са миқдорини камайишини ва саркоплазматик ретикулумдан Са²⁺ ионлари транспортини ингибирлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 97 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчи-ёшлар организмнинг асосий ва қўшимча озиқ моддаларга бўлган физиологик талаби”** деб номлаган биринчи бобида охириги адабиётлар маълумотлари асосида ўқувчи ёшлар организмнинг макро- ва микронутриентларга бўлган физиологик талаби, суткалик энергияга бўлган эҳтиёжи ҳамда шу ёшдаги ўсмирларнинг жисмоний тараққиёти ҳақида замонавий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Намуналар таркибидаги асосий ва қўшимча озиқ моддалар миқдорини аниқлаш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва ишда қўлланилган асосий усуллар ҳақида маълумот берилган. Респондентлар сони 768 нафар (430 та ўғил болалар, 338 та қизлар) бўлиб, уларнинг 524 нафари академик лицей, 244 нафари мактаб ўқувчилари ҳисобланади. Қаршидан 352 нафар (228 таси академик лицей, 124 таси мактаб ўқувчилари), Термиздан 416 нафар (296 таси академик лицей, 120 таси мактаб ўқувчилари) респондентлар қатнашган бўлиб, улар 2 та ёш гуруҳига ажратилган (17 ёшлилар 630 та, 18 ёшлилар 138 та).

Ўсмир-ёшларнинг амалдаги овқатланиши уларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибидаги асосий ва қўшимча озиқ моддаларнинг миқдорини аниқлаш ҳамда баҳолаш имконини берадиган анъанавий анкета-сўров усулида ўрганилган.

Ўқувчилар кунлик истеъмол таомлари таркибидаги оқсиллар ва ёғлар Қашқадарё вилояти Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати санитария-гигиена лабораториясининг озиқ-овқат бўлимида Кьельдаль ва Гербер методи ёрдамида аниқланган. Углеводлар ва сувда эрувчи витаминлар Ўзбекистон Фанлар Академияси академик О.С. Содиқов номидаги биоорганик кимё институти лабораториясида хроматографик таҳлил усулида, минерал моддалар эса инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги илғор технологиялар марказида макро- ва

микроэлементларни плазмалар индуктив боғланган масс-спектрометрия методи ёрдамида аниқланган. Олинган натижалар И.М. Скурихин ва М.Н. Волгарёвлар таҳрири остида чоп этилган меъёрий жадваллар билан солиштирилган (Химический состав пищевых продуктов, 1987).

Диссертациянинг “Ўқувчи-ёшларнинг кунлик овқатидаги асосий ва қўшимча озиқ моддалар бўйича олинган натижалар таҳлили” деб номланган учинчи бобида ўқувчиларнинг амалдаги истеъмол таомлари таркибидаги асосий ва қўшимча озиқ моддаларнинг миқдори ҳақида маълумотлар баён қилинган.

Қарши ва Термиз шаҳарларида олиб борилган тадқиқот натижаларини умумлаштириб, респондентларнинг асосий ва қўшимча озиқ моддалар билан таъминланишининг ўртача миқдорлари аниқланган (1, 2, 3- жадвалларга қаранг).

1-жадвал.

Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ҳамда юқори синф ўқувчиларининг асосий озиқ моддалар билан таъминланиши (2018-2019 ўқув йили)

Кўрсаткичлар	1-гурух (17-ёш)		2-гурух (18-ёш)	
	Ўғил болалар, n=337	Қизлар, n=293	Ўғил болалар, n=91	Қизлар, n=47
Умумий оқсил, г	$87,9 \pm 4,2$ $82,7 \pm 3,8$	$83,3 \pm 4,2$ $76,7 \pm 4,2$	$84,8 \pm 5,0$ $89,7 \pm 12,9$	$85,6 \pm 7,2$ $69,4 \pm 4,1$
Меъёр, г	104	90	86	80
Шундан ҳайвон оқсили, г	$24,2 \pm 3,3$ $24,7 \pm 1,0$	$22,7 \pm 0,9$ $20,8 \pm 1$	$23,9 \pm 1,4$ $25,6 \pm 1,3$	$23,6 \pm 1,8$ $20,0 \pm 1,2$
Меъёр, г	63	58	43	40
Умумий ёғ, г	$101,3 \pm 6,9$ $91,5 \pm 5,1$	$94,8 \pm 6,3$ $86,2 \pm 5,5$	$105,8 \pm 8,9$ $95,7 \pm 7,8$	$96,7 \pm 7,8$ $79,2 \pm 5,2$
Меъёр, г	104	90	96	82
Шундан ўсимлик ёғи, г	$26,8 \pm 1,4$ $22,7 \pm 1,1$	$23,3 \pm 1,5$ $20,9 \pm 1,3$	$26,9 \pm 2,4$ $24,6 \pm 1,8$	$24,7 \pm 1,8$ $20,8 \pm 1,4$
Меъёр, г	20	18	25	20
Умумий углевод, г	$370,2 \pm 20,7$ $339,4 \pm 15,4$	$331,2 \pm 18,5$ $313,4 \pm 14,3$	$328,6 \pm 23,5$ $353,1 \pm 28,2$	$339,1 \pm 29,6$ $285,4 \pm 16,4$
Меъёр, г	450	380	380	330
Умумий калория, ккал	$2821,5 \pm 133,9$ $2582,8 \pm 93,6$	$2582,5 \pm 142,4$ $2402,7 \pm 112,1$	$2680,4 \pm 167,3$ $2671,6 \pm 138,6$	$2638,6 \pm 199,8$ $2191,9 \pm 111,6$
Меъёр, ккал	3100	2700	2730	2500

Изоҳ: Суратда Қарши, махражда Термиз академик лицейи ва мактаб ўқувчилари бўйича олинган натижалар.

Текширилувчилардан 17 ёшли ўғил болаларнинг оқсиллар билан суткалик физиологик таъминланиши меъёрдаги 104 г ўрнига 82,7-87,9 гр (18 фоизга кам) га тўғри келган (Термиз ва Қарши шаҳарларида тегишли ҳолда). Худди шу ёшдаги қиз болаларда эса кунлик талаб 90 г ўрнига 76,7- 83,3 г (11,2 фоизга кам) қабул қилинган. 1-гурух респондентларидан фарқли равишда 2-гурухдаги ўғил болаларда оқсилларнинг қабул қилиниши

Қаршида 84,8 г, Термиздаги текширилувчиларда 89,7 г (меъёр 86 г) ни ташкил этади. Қиз болаларда эса бу кўрсаткичлар Термизда 69,4 г ни Қаршида 85,6 г ни ташкил этади (меъёр 80 г). Айтиш жоизки, ҳайвон оксили ҳар иккала гуруҳ вакилларида меъёрга нисбатан сезиларли даражада кам қабул қилинган. Чунончи, 17 ёшли ўғил ва қиз болалар овқатида ҳайвон оксилнинг миқдори ўртача 24,4 ва 21,7 г бўлиб, ушбу кўрсаткичлар улар учун қабул қилинган меъёрга нисбатан тегишли ҳолда 61,3 ва 62,6 фоизга кам. 2-ёш гуруҳидаги ўғил ва қиз болаларнинг ҳайвон оксиллари билан таъминланиши эса меъёрга нисбатан тегишли ҳолда 42,5 ва 45,5 фоизини ташкил этади (1-жадвалга қаранг).

Умумий ёғларнинг қабул қилиниши ҳар иккала гуруҳ вакилларида меъёр даражасидан кўп ёки унга жуда яқин бўлиб, хусусан, 17 ёшли ўғил болаларнинг ёғга бўлган талаби меъёрдаги 104 г ўрнига тегишли ҳолда 91,5-101,3 г ни, шу ёшдаги қиз болаларда эса ушбу кўрсаткич ўртача 86,2-94,8 г ни (меъёр 90 г) ташкил этади (Термиз ва Қарши шаҳарларида тегишли ҳолда). 18 ёшли йигит ва қизларнинг кунлик овқатидаги ёғ миқдори ўртача 87,9-100,7 г га тенг. Қарши шаҳридаги 18 ёшли респондентлар томонидан умумий ёғ қабул қилиниши меъёр даражасидан кўп, Термиздаги текширилувчиларнинг ҳар иккала ёш гуруҳида меъёрга яқинлиги қайд қилинган (17 ёшли ўғил болалар бундан мустасно).

Ўқувчиларнинг кунлик овқати таркибидаги умумий углеводларнинг миқдори 17 ёшли ўғил ва қиз болаларда меъёрга нисбатан мос ҳолда 78,8 ва 84,8 фоиз ни, 18 ёшли йигит ва қизларда эса ушбу кўрсаткич ўртача 89,6 ва 94,6 фоизни ташкил этади. Ўқувчилар кунлик овқатининг умумий энергетик қиймати 17 ёшли ўғил ва қиз болаларда суткалик энергияга бўлган эҳтиёж меъёрга нисбатан ўртача 10,3 фоизга қондирилган. 2-гуруҳ текширилувчиларининг кунлик энергия билан физиологик таъминланиши меъёр даражасидан четга чиқмайди.

Қўшимча озиқ моддалар ҳақида шу нарсани айтиш мумкинки, 17-18 ёшли ўқувчиларнинг киш, баҳор ва куз мавсумларида истеъмол таомлари таркибидаги айрим витаминларнинг меъёрга нисбатан камлиги қайд қилинган (2-жадвалга қаранг). Чунончи, 17 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг истеъмол таомлари таркибидаги С витамини миқдори меъёрга нисбатан тегишли ҳолда, 56,3 мг (19,6 фоизга кам) ва 61,9 мг (11,6 фоизга кам) бўлса, 18 ёшли йигит ва қизларда ушбу кўрсаткич меъёрга нисбатан тегишли ҳолда ўртача 56,6 мг (19,2 фоизга кам) ва 57,5 мг (17,9 фоизга кам) эканлиги қайд қилинди.

Кузатувда бўлган ўқувчилардан 17 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг А витамини билан таъминланиши Қарши шаҳрида меъёр даражасида, Термиз шароитида эса ушбу кўрсаткич меъёрга нисбатан 50-60 фоизга кам. Иккала ҳудуд бўйича ўртача ҳисоблаганда ўқувчиларнинг овқатидаги бу витамин миқдори меъёрга нисбатан 25-30 фоизга камлиги қайд қилинган. Ўқувчиларнинг D витамини билан таъминланиши меъёрга нисбатан сезиларли даражада кам бўлиб, 17 ёшли ўғил ва қиз болаларда меъёрдаги 2,5 мкг ўрнига мос ҳолда 1,3 ва 2,2 мкг ни ташкил этган. 18 ёшли йигит ва

қизларда бу кўрсаткич тегишли ҳолда 1,3 ва 1,8 мкг га тенг бўлиб, бу натижалар меъёрга нисбатан ҳар иккала гуруҳ бўйича ўртача ҳисоблаганда 24-48 фоизга камлиги қайд қилинган.

В гуруҳ витаминларидан В₁ ва В₆ нинг ҳар иккала гуруҳ респондентлари томонидан қабул қилиниши меъёрга нисбатан сезиларли даражада кўп бўлиб, ушбу ҳолатни ўқувчилар нон ва ун маҳсулотларини кўп истеъмол қилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Кузатув олиб борилган текширилувчиларнинг ҳар иккала гуруҳида фақатгина витамин РР меъёр даражасида қабул қилинганлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ҳамда юқори синф ўқувчиларининг витаминлар билан таъминланиши

Витаминлар	1-гуруҳ (17-ёш)		2-гуруҳ (18-ёш)	
	Ўғил болалар	Қизлар	Ўғил болалар	Қизлар
С, мг	$\frac{54,3 \pm 4,1}{58,3 \pm 3,2}$	$\frac{59,2 \pm 4,8}{64,7 \pm 4,4}$	$\frac{53,9 \pm 6,2}{59,3 \pm 5,6}$	$\frac{57,0 \pm 7,0}{58,0 \pm 3,4}$
Меъёр	70	70	70	70
А, мг	$\frac{1,0 \pm 0,3}{0,4 \pm 0,1}$	$\frac{0,8 \pm 0,19}{0,4 \pm 0,2}$	$\frac{0,8 \pm 0,3}{0,3 \pm 0,08}$	$\frac{1,0 \pm 0,4}{0,4 \pm 0,1}$
Меъёр	1	0,8	1	0,8
Д, мкг	$\frac{2,5 \pm 0,3}{1,9 \pm 0,4}$	$\frac{1,7 \pm 0,2}{1,0 \pm 0,3}$	$\frac{2,1 \pm 0,5}{1,5 \pm 0,3}$	$\frac{1,2 \pm 0,2}{1,4 \pm 0,3}$
Меъёр	2,5	2,5	2,5	2,5
В ₁ , мг	$\frac{2,1 \pm 0,1}{2,0 \pm 0,1}$	$\frac{1,9 \pm 0,3}{1,8 \pm 0,1}$	$\frac{1,8 \pm 0,1}{1,9 \pm 0,2}$	$\frac{1,7 \pm 0,1}{1,7 \pm 0,2}$
Меъёр	1,5	1,3	1,2	1,1
В ₂ , мг	$\frac{1,2 \pm 0,1}{1,3 \pm 0,1}$	$\frac{1,2 \pm 0,08}{1,2 \pm 0,1}$	$\frac{1,2 \pm 0,1}{1,1 \pm 0,008}$	$\frac{1,3 \pm 0,1}{1,3 \pm 0,1}$
Меъёр мг	1,8	1,5	1,5	1,3
В ₆ , мг	$\frac{2,9 \pm 0,09}{2,7 \pm 0,1}$	$\frac{2,6 \pm 0,3^*}{2,3 \pm 0,1}$	$\frac{2,8 \pm 0,2}{2,8 \pm 0,09}$	$\frac{2,5 \pm 0,2}{2,7 \pm 0,2}$
Меъёр мг	2,0	1,6	2,0	1,8
РР, мг	$\frac{20,6 \pm 0,6}{18,6 \pm 1,1}$	$\frac{16,7 \pm 0,4}{16,7 \pm 0,3}$	$\frac{17,5 \pm 0,7}{15,9 \pm 0,9}$	$\frac{14,4 \pm 0,4}{15,3 \pm 0,7}$
Меъёр	20	17	16	14
В ₉ , мкг	$\frac{110,1 \pm 5,9^{**}}{181,5 \pm 9,1}$	$\frac{101,0 \pm 5,6}{101,2 \pm 4,8}$	$\frac{161,8 \pm 11,4}{183,5 \pm 33,7}$	$\frac{105,1 \pm 8,8}{96,2 \pm 4,9}$
Меъёр	200	200	200	200
В ₁₂ , мг	$\frac{1,6 \pm 0,1^*}{2,5 \pm 0,3}$	$\frac{1,4 \pm 0,1}{1,2 \pm 0,1}$	$\frac{2,1 \pm 11,4}{2,5 \pm 0,4}$	$\frac{1,4 \pm 0,1}{1,1 \pm 0,1}$
Меъёр	3,0	3,0	3,0	3,0

Изоҳ: Суратда Қарши, махражда Термиз академик лицейи ва мактаб ўқувчилари бўйича олинган натижалар. *- P<0,05, **- P< 0,01

Ўқувчиларни минерал моддалар билан таъминланиши куйидагича изоҳланди. Минерал моддалардан кальцийга бўлган кунлик талаб ҳар иккала ёш гуруҳида ҳам меъёрга нисбатан камлиги аниқланган. 17 ёшли ўғил ва қиз

болаларда тегишли ҳолда 1200 мг ўрнига иккала ҳудуд бўйича ўртача 532,9 ва 542,6 мг қабул қилинган бўлса, 18 ёшли йигит ва қизларда эса бу кўрсаткич 424,9 ва 549,4 мг ни ташкил этган (меъёр 800 мг). Бу ҳол ўқувчиларнинг кальций элементи билан таъминланиши ўртача 52,8 фоизга тенглигини кўрсатади.

Респондентларнинг фосфор билан таъминланиши эса ўртача 105,2 фоизни ташкил этган. Барча текширилувчиларда магнийнинг истеъмол таомлари билан қабул қилиниши меъёр даражасига нисбатан кўп. Чунончи, 17 ёшли ўғил ва қиз болаларда тегишли ҳолда 340,8 ва 341,2 мг қабул қилинган (меъёр 300 мг). Тахминан шундай натижалар 18 ёшли йигит ва қизларда ҳам кузатилган. Ўсмир-ёшларнинг истеъмол таомлари таркибида темир элементининг қабул қилиниши 17 ёшли ўғил болаларда меъёрга нисбатан 16,6 фоизга кўп, қолган респондентларда ушбу маъданли модда меъёр атрофида қабул қилинган (3-жадвалга қаранг). Ўқувчиларнинг йодга бўлган кунлик физиологик талаби меъёр даражасида қондирилмаган. Уларнинг бу моддага бўлган суткалик эҳтиёжи ўртача 150 мкг атрофида бўлиб, улар бу кўрсаткичнинг 34,3-37,5 фоизини кунлик озиқ маҳсулотлари билан қабул қилганлигини кўрсатади.

3-жадвал.

Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ҳамда юқори синф ўқувчиларининг минерал моддалар билан таъминланиши

Минерал моддалар	1-гурӯх (17-ёш)		2-гурӯх (18-ёш)	
	Ўғил болалар	Қизлар	Ўғил болалар	Қизлар
Кальций, мг	$\frac{529,7 \pm 38,9}{536,2 \pm 55,1}$	$\frac{567,8 \pm 42,5}{517,5 \pm 48,4}$	$\frac{405,2 \pm 52}{444,7 \pm 41}$	$\frac{578,0 \pm 77,2}{520,9 \pm 41,5}$
Меъёр	1200	1200	800	800
Фосфор, мг	$\frac{1756,1 \pm 115,8}{1543,4 \pm 92,9}$	$\frac{1686,5 \pm 108,2^*}{1382,2 \pm 74,0}$	$\frac{1681,7 \pm 145,5^{**}}{1396,2 \pm 68,5}$	$\frac{1427,9 \pm 115,0}{1355,9 \pm 83,4}$
Меъёр	1800	1800	1200	1200
Магний, мг	$\frac{361,6 \pm 20,1}{320,1 \pm 11,4}$	$\frac{353,5 \pm 15,4}{328,9 \pm 15,3}$	$\frac{453,1 \pm 28,5}{433,0 \pm 18,4}$	$\frac{439,8 \pm 37,5}{440,0 \pm 28,4}$
Меъёр	300	300	400	400
Темир, мг	$\frac{17,8 \pm 0,6}{17,2 \pm 0,4}$	$\frac{18,1 \pm 1,0}{17,6 \pm 0,7}$	$\frac{10,3 \pm 0,1^*}{10,9 \pm 0,2}$	$\frac{18,7 \pm 1,4}{16,4 \pm 0,9}$
Меъёр	15	18	10	18
Йод мкг	$\frac{54,5 \pm 3,5}{48,5 \pm 2,7}$	$\frac{52,3 \pm 3,1}{59,4 \pm 8,5}$	$\frac{52,1 \pm 4,0}{53,7 \pm 3,9}$	$\frac{50,4 \pm 7,3}{62,0 \pm 8,8}$
Меъёр	150	150	150	150

Изоҳ: Суратда Қарши маҳражда, Термиз академик лицейи ва мактаб ўқувчилари бўйича олинган натижалар. *- P<0,05, **- P< 0,01

Ўқувчиларнинг таомланишини ўрганиш учун ҳар иккала ҳудуддаги академик лицей ҳамда мактаб ўқувчиларининг амалдаги овқатланиши таққосланди. Натижада лицей ва мактаб ўқувчиларининг овқатланишида фарқлар мавжудлиги аниқланди. Ушбу фарқлар қуйидаги сабаблар билан изоҳланади, мактаб ўқувчилари асосан уйда, айрим ҳолларда мактаб ошхонасидаги тез ва осон тайёрланадиган озиқ-овқат (ходдог, гамбургер,

лаваш, шаурма, донар ва ҳоказо) маҳсулотларини истеъмол қилишса, академик лицей ўқувчилари эса режим асосида лицей ошхонасидаги махсус комиссия текширувидан ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишган (4-5-6 жадвалларга қаранг).

Академик лицей ўқувчиларининг оқсиллар билан таъминланиши ҳар иккала ҳудудда ҳам юқори синф ўқувчиларига нисбатан сезиларли даражада фарқ қилиши кузатилган. Аммо ҳар иккала таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг оқсиллар билан физиологик таъминланишини меъёр билан солиштирганда, 17 ёшлиларда 8,8-16,8 фоизга кам эканлиги аниқланди, 18 ёшлиларда эса бундай ҳолат кузатилмади. Ҳайвон оқсилларининг миқдори барча текширилувчиларда меъёрга нисбатан ўртача 49,8-63,3 фоизга кам. Ўқувчилар рационидagi умумий ёғ, жумладан, ўсимлик ёғларининг миқдори меъёр даражасида, углеводларнинг миқдори эса ўртача 9,7-23,6 фоизга кам эканлиги қайд қилинди. Кунлик овқатнинг умумий энергетик қиймати ҳисобланганда, текширилувчиларнинг 1-ёш гуруҳида меъёрга нисбатан 4,8 фоиздан 15,1 фоизгача фарқ қилиши аниқланди, 2-ёш гуруҳидаги йигит ва қизларнинг кунлик энергия билан физиологик таъминланиши 17 ёшлилардан фарқли равишда меъёр даражасида эканлиги қайд қилинди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал.

Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ҳамда юқори синф ўқувчиларининг асосий озиқ моддалар билан таъминланиши

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ (17-ёш)		2-гуруҳ (18-ёш)	
	Ўғил болалар, n=337	Қизлар, n=293	Ўғил болалар, n=91	Қизлар, n=47
Умумий оқсил, г	$\frac{86,6 \pm 3,4}{83,9 \pm 4,7}$	$\frac{82,1 \pm 3,9}{78,0 \pm 4,5}$	$\frac{83,7 \pm 4,0}{90,8 \pm 13,9}$	$\frac{76,0 \pm 4,4}{73,2 \pm 6,7}$
Меъёр, г	104	90	86	80
Шундан ҳайвон оқсил, г	$\frac{23,9 \pm 1,1}{25,0 \pm 3,3}$	$\frac{22,2 \pm 1,2}{21,3 \pm 0,7}$	$\frac{22,7 \pm 1,4^*}{26,8 \pm 1,3}$	$\frac{20,1 \pm 1,3}{21,9 \pm 1,7}$
Меъёр, г	63	58	43	40
Умумий ёғ, г	$\frac{98,5 \pm 5,1}{94,3 \pm 6,9}$	$\frac{92,9 \pm 5,2}{88,0 \pm 6,7}$	$\frac{99,2 \pm 6,1}{102,3 \pm 10,6}$	$\frac{82,6 \pm 6,5}{85,2 \pm 6,9}$
Меъёр, г	104	90	96	82
Шундан ўсимлик ёғи, г	$\frac{24,2 \pm 1,3}{25,2 \pm 1,2}$	$\frac{21,0 \pm 1,5}{23,5 \pm 1,3}$	$\frac{24,9 \pm 1,7}{26,7 \pm 2,6}$	$\frac{20,8 \pm 1,7}{24,1 \pm 1,7}$
Меъёр, г	20	18	25	20
Умумий углевод, г	$\frac{365,7 \pm 15,1}{344 \pm 20,9}$	$\frac{333,9 \pm 14,6}{310,8 \pm 18,3}$	$\frac{332,0 \pm 23,2}{349,7 \pm 28,6}$	$\frac{312,8 \pm 19,5}{298,1 \pm 27,6}$
Меъёр, г	450	380	380	330
Умумий калория, ккал	$\frac{2771,7 \pm 104,7}{2632,5 \pm 122,8}$	$\frac{2571,2 \pm 14,6}{2414 \pm 140,7}$	$\frac{2628,4 \pm 134,1}{2723,6 \pm 171,7}$	$\frac{2359,7 \pm 135,2}{2316,4 \pm 81,6}$
Меъёр, ккал	3100	2700	2730	2500

Изоҳ: Суратда академик лицей, маҳражда мактаб ўқувчилари бўйича олинган натижалар.
*- P < 0,05

Лицей ва мактаб ўқувчиларининг витаминлар билан физиологик таъминланиши таҳлил қилинганда, лицей ўқувчиларининг А витамини билан таъминланиши меъёр даражасидан фарқ қилмаслиги, аммо мактаб

Ўқувчилариникига нисбатан 25,0-62,5 фоизгача кўплиги аниқланди. Шундай натижалар қолган витаминларга нисбатан ҳам кузатилди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал.

Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ҳамда юқори синф ўқувчиларининг витаминлар билан таъминланиши

Витаминлар	1-гурух (17-ёш)		2-гурух (18-ёш)	
	Ўғил болалар	Қизлар	Ўғил болалар	Қизлар
С, мг	<u>55,8±2,9</u> 56,8±4,4	<u>60,1±3,8</u> 63,8±5,5	<u>56,8±4,9</u> 56,3±6,8	<u>53,4±5,1</u> 58,3±5,3
Меъёр	70	70	70	70
А, мг	<u>0,8±0,2</u> 0,6±0,2	<u>0,9±0,2*</u> 0,4±0,1	<u>0,5±0,2</u> 0,5±0,2	<u>0,8±0,3</u> 0,5±0,1
Меъёр	1	0,8	1	0,8
Д, мкг	<u>2,2±0,2</u> 2,2±0,5	<u>1,7±0,1**</u> 1,0±0,2	<u>1,9±0,3</u> 1,7±0,4	<u>1,3±0,2</u> 1,2±0,3
Меъёр	2,5	2,5	2,5	2,5
В ₁ , мг	<u>2,0±0,1</u> 2,1±0,1	<u>1,8±0,2</u> 1,7±0,07	<u>1,9±0,1</u> 1,8±0,2	<u>1,7±0,1</u> 1,7±0,09
Меъёр	1,5	1,3	1,2	1,1
В ₂ , мг	<u>1,3±0,1</u> 1,1±0,1	<u>1,2±0,08</u> 1,2±0,1	<u>1,2±0,06</u> 1,1±0,1	1,1±0,1 1,3±0,1
Меъёр мг	1,8	1,5	1,5	1,3
В ₆ , мг	<u>2,8±0,1</u> 2,8±0,1	<u>2,5±0,2</u> 2,5±0,1	<u>2,8±0,1</u> 2,8±0,2	<u>2,6±0,2</u> 2,6±0,3
Меъёр мг	2,0	1,6	2,0	1,8
РР, мг	<u>19,8±0,5</u> 19,4±1,4	<u>16,9±0,6</u> 16,5±0,5	<u>16,1±0,5</u> 17,3±1,1	<u>14,6±0,5</u> 14,3±1,2
Меъёр	20	17	16	14
В ₉ , мкг	<u>171,0±7,1</u> 175,7±10,8	<u>158,7±6,8</u> 144,8±8,8	<u>156,5±8,2</u> 188,8±36,9	<u>151,1±9,6</u> 147,4±12,3
Меъёр	200	200	200	200
В ₁₂ , мг	<u>2,2±0,1</u> 2,6±0,4	<u>1,9±0,1</u> 2,1±0,1	<u>2,2±0,1</u> 2,4±0,5	<u>1,8±0,1</u> 2,1±0,2
Меъёр	3,0	3,0	3,0	3,0

Изоҳ: Суратда академик лицей, маҳражда мактаб ўқувчилари бўйича олинган натижалар.
*- P<0,05, **- P<0,01

Ўрганилаётган гуруҳлардаги ўқувчиларнинг минерал моддалар билан таъминланиши ўзаро таққосланганда, академик лицей ўқувчиларининг кунлик овқатидаги кальций, фосфор, магний, темир ва йод элементларининг миқдори (18 ёшли қизлар бундан мустасно) мактаб ўқувчилариникига нисбатан ўртача 12,4-21,7 фоизгача кўплиги аниқланган (6-жадвалга қаранг).

Ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тараққиёти бўйича олинган маълумотларга кўра, академик лицей ўқувчиларидан 17 ёшли ўғил болаларда меъерий тана массасига эга бўлганлар ҳар иккала шаҳарда ўртача 81,95 фоиз, I даражали кам тана массасига эга бўлганлар 9,5 фоиз, II даражали кам тана массасига эга бўлганлар 5,75 фоиз, ортиқча тана вазни 2,15 фоизни ташкил этади.

6-жадвал.

Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ҳамда юқори синф ўқувчиларининг минерал моддалар билан таъминланиши

Минерал моддалар	1-гурух (17-ёш)		2-гурух (18-ёш)	
	Ўғил болалар	Қизлар	Ўғил болалар	Қизлар
Кальций, мг	<u>567,5±44,9</u> 497,8±49,1	<u>555,9±37,8</u> 529,4±53,1	<u>419,8±45,8</u> 430,1±47,1	<u>493,1±50,3</u> 556,0±71,0
Меъёр	1200	1200	800	800
Фосфор, мг	<u>1793,9±120,6</u> 1505,5±88,1	<u>1721,8±99,3*</u> 1346,9±82,9	<u>1717,4±140,3*</u> 1361,2±74	<u>1453,5±128,6</u> 1268,7±92,4
Меъёр	1800	1800	1200	1200
Магний, мг	<u>317,7±13,9</u> 313,8±10,1	<u>321,4±15,8</u> 329,4±14,9	<u>420,1±32,5</u> 423,1±27,5	<u>410,8±27,4</u> 410,9±34,6
Меъёр	300	300	400	400
Темир, мг	<u>15,4±0,5*</u> 12,5±1,1	<u>17,8±0,7</u> 18,0±1,0	<u>10,8±0,2</u> 11,3±0,3	<u>18,1±0,9</u> 17,0±1,2
Меъёр	15	18	10	18
Йод мкг	<u>52,7±2,7</u> 50,3±3,5	<u>56,8±7,3</u> 54,9±4,3	<u>51,7±3,5</u> 54,2±4,4	<u>44,5±5,0</u> 60,2±7,9
Меъёр	150	150	150	150

Изоҳ: Суратда академик лицей, маҳражда мактаб ўқувчилари бўйича олинган натижалар.
*- P<0,05

Кам тана массасига эга бўлганлар фақатгина Қарши академик лицейи ўқувчиларида қайд қилинди. Ушбу ёш гуруҳида жуда кам тана массасига эга бўлганлар ва I даражали семизлик кузатилмади. 17 ёшли ўқувчи қизларда меъерий тана массасига эга бўлганлар ўртача 76,2 фоиз, I даражали кам тана массасига эга бўлганлар ўртача 11,25 фоиз, II даражали кам тана массасига эга бўлганлар эса 5,5 фоиз, ортиқча тана массасига эга бўлганлар ўртача 4,5 фоиз, I даражали семизлик 1,8 фоиз эканлиги қайд қилинди. III даражали кам тана массасига эга бўлганлар Термиз шаҳридаги текширилувчиларда аниқланди. 17 ёшли қизларда ҳам жуда кам тана массасига эга бўлганлар кузатилмади (7-жадвалга қаранг). Текширилувчилардан 18 ёшли ўғил болаларда меъерий тана массасига эга бўлганлар 80,0 фоиз, I ва III даражали кам тана массаси ҳамда ортиқча тана вазнига эга бўлганлар Термиз шаҳрида яшовчи ўғил болаларда, II даражали кам тана массасига эга бўлганлар эса Қарши академик лицейидаги йигитларда аниқланди. 18 ёшли йигитларда ҳам жуда кам тана массасига эга бўлганлар ва I даражали семизлик кузатилмади.

7-жадвал.

Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ўқувчиларининг тана массаси индекси бўйича тақсимланиши (2018-2019 ўқув йили, фоиз ҳисобида)

Ёши	Сони (фоиз)	Меъёрий тана массасига эга бўлганлар	Кам тана массасига эга бўлганлар (даража)				Ортиқча тана массасига эга бўлганлар	I даражали семизлик
			I	II	III	Жуда кам		
Ўғил болалар								
17	<u>10,03</u> 22,79	<u>80,5</u> 83,4	<u>10,4</u> 8,6	<u>5,2</u> <u>6,3</u>	<u>1,3</u> -	- -	<u>2,6</u> 1,7	-
Жами	32,82	81,95	9,5	5,75	0,65		2,15	
18	<u>1,83</u> 5,08	<u>85,7</u> 74,4	- 12,8	<u>14,3</u> -	- 2,5	- -	10,3	-
Жами	6,91	80,0	6,4	7,15	1,25		5,15	
Қиз болалар								
17	<u>16,28</u> 9,25	<u>79,2</u> 73,3	<u>11,2</u> 11,3	<u>4</u> 7	- 1,4	- -	<u>4,8</u> 4,2	<u>0,8</u> 2,8
Жами	25,52	76,2	11,25	5,5	0,7		4,5	1,8
18	<u>1,57</u> 1,44	<u>58,4</u> 63,6	<u>25</u> 18,2	<u>8,3</u> 9,1	<u>8,3</u> 9,1	- -	- -	- -
Жами	3,0	61,0	21,6	8,7	8,7	-	-	-

Изоҳ: Суратда Қарши академик лицей, махражда Термиз академик лицей ўқувчилари.

18 ёшли қизларда ҳар иккала шаҳарда меъёрий тана массасига эга бўлганлар ўртача 61 фоиз I даражали кам тана массаси 21,6 фоиз, II ва III даражали кам тана массасига эга бўлганлар ўртача 8,7 фоиз эканлиги аниқланди. 18 ёшли қизларда 1-ёш гуруҳидаги қизлардан фарқли равишда ортиқча тана массасига эга бўлганлар ва семизлик кузатилмади.

Кузатувда бўлган мактаб ўқувчиларининг 1-гуруҳидаги ўғил болаларда меъёрий тана массасига эга бўлганлар ҳар иккала шаҳарда ўртача 82,8 фоизни ташкил этади. I ва II даражали кам тана массасига эга бўлганлар 5,4 ва 8,9 фоизга тенг (8-жадвалга қаранг). III даражали ва жуда кам тана массасига эга бўлганлар фақатгина Термиз шаҳридаги текширилувчиларда қайд қилинди. Ушбу ёш гуруҳида ортиқча тана массаси ва I даражали семизлик кузатилмади. Худди шу ёшдаги ўқувчи қизларда меъёрий тана массасига эга бўлганлар ўртача 62,85 фоиз, кам тана массасига эга бўлганлар эса 33,1 фоиз эканлиги аниқланди. 2-гуруҳ респондентларининг ўғил болаларида меъёрий тана массасига эга бўлганлар ўртача 76,95 фоиз, I даражали кам тана массасига эга бўлганлар 14,45 фоиз эканлиги аниқланди. II даражали кам тана массасига эга бўлганлар Термиз шаҳридаги ўқувчиларда 4,6 фоиз эканлиги қайд қилинди. Ортиқча тана массасига эга бўлганлар фақатгина Қарши шаҳрида яшовчи ўқувчиларда аниқланди (12,6 фоиз). 18 ёшли

Ўғил болаларда I даражали семизлик кузатилмади. Текширилувчиларнинг 2-гуруҳидаги қиз болаларда меъёрий тана массасига эга бўлганлар 81,25 фоизни, I даражали кам тана массасига эга бўлганлар ўртача 12,5 фоизни, II даражали кам тана массасига эга бўлганлар эса 6,25 фоизни ташкил этди.

8-жадвал.

Қарши ва Термиз шаҳридаги мактаб ўқувчиларининг тана массаси индекси бўйича тақсимланиши (2018-2019 ўқув йили, фоиз ҳисобида)

Ёши	Ўқувчилар сони, (фоиз)	Меъёрий тана массасига эга бўлганлар	Кам тана массасига эга бўлганлар (даража)				Ортиқча тана массасига эга бўлганлар	I даражали семизлик
			I	II	III	Жуда кам		
Ўғил болалар								
17	<u>6,64</u> 4,43	<u>92,2</u> 73,5	<u>1,96</u> 8,8	<u>5,9</u> 11,9	- 2,9	- 2,9	- -	- -
Жами	11,07	82,8	5,4	8,9	1,45	1,45		
18	<u>2,09</u> 2,87	<u>81,2</u> 72,7	<u>6,2</u> 22,7	- 4,6	- -	- -	12,6 -	- -
Жами	38	76,95	14,45	2,3			6,3	
Қиз болалар								
17	<u>6,38</u> 6,25	<u>67,4</u> 58,3	<u>14,4</u> 14,6	<u>8,2</u> 12,6	<u>2,0</u> 4,3	<u>4,0</u> 6,2	<u>4,0</u> 2,0	- 2,0
Жами	12,63	62,85	14,5	10,4	3,15	5,1	3	1
18	<u>1,05</u> 2,09	<u>75</u> 87,5	<u>12,5</u> 12,5	12,5 -	- -	- -	- -	- -
Жами	3,13	81,25	12,5	6,25	-	-	-	-

Изоҳ: Суратда Қарши мактаб ўқувчилари, махражда Термиз мактаб ўқувчилари

Ўқувчи-ёшлар истиқомат қиладиган ҳудудлардаги энг кўп истеъмол қилинадиган 18 турдаги (6 хилдаги мева ва полиз маҳсулотлари ҳамда 12 хилдаги таомлар) озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибини замонавий аппаратлар ёрдамида ўрганиб чиқдик (9-10-11-12-жадвалларга қаранг).

Ўқувчиларнинг рациондаги озиқ-овқат маҳсулотларидан намуналар олиб, лабораторияда ўрганилганда ушбу маҳсулотларининг кимёвий таркиби меъёрдан тегишли даражада фарқ қилиши аниқланди (9-жадвалга қаранг).

Текширилувчилар томонидан истеъмол қилинган аксарият маҳсулотлар (палов, сомса, бўғирсоқ, ширгуруч, мошхўрда, маржумак, макарон, чучвара) таркибида оксил (палов, бўғирсоқ, мошхўрда, макарон, чучвара), ёғ миқдори меъёрдан сезиларли даражада кам бўлса, манти ва шўрва таркибидаги оксил, нон, манти, сомса ва маржумак таркибидаги ёғ миқдори кўплиги аниқланди. Оксил ва ёғлардан фарқли равишда намуналар таркибидаги углеводлар миқдори аксарият маҳсулотларда меъёрдан фарқ қилмаслигини, тухум ва

макарон таркибидаги углеводлар миқдори бироз кўплигини, чучвара ва шўрва таркибида эса камлигини кўриш мумкин.

9-жадвал.

17-18 ёшли ўқувчиларнинг истеъмол таомлари таркибидаги асосий озик моддалар миқдори (г)

№	Маҳсулотлар номи	Оқсил (меъёр)	Натижа	Ёғ (меъёр)	Натижа	Углевод (меъёр)	Натижа
1	Нон	8,7	9,3± 0,85	1,1	1,4± 0,45	52,8	53,1± 0,13
2	Тухум	12,7	12,3±0,45	11,5	10,8± 0,73	0,7	0,9± 0,45
3	Манти	7,7	8,8± 0,85	13,2	15± 1,14	36,9	38,4± 0,44
4	Палов	13,9	11,7± 0,38	8,9	7,9± 0,37	29,7	30,9±0,35
5	Сомса	8,9	7,8± 0,21	10,6	12,4± 0,99	13,5	14,3±0,03
6	Бўғирсоқ	11,8	10,6± 0,25	19,6	11,2± 1,68	54,3	58,7±0,07
7	Ширгуруч	6,1	4,9± 0,56	12,1	10,9± 1,26	52,8	55,5±0,45
8	Мошхўрда	13,1	11,7± 0,26	7,7	5,3± 0,45	13,5	14,6± 1,41
9	Маржумак	10,8	7,1± 0,17	3,2	4,6±0,05	54,4	57,1±0,79
10	Макарон	7,7	2,1± 0,1	4,7	2,7±1,62	22,2	25,1± 1,12
11	Чучвара	9,5	5,0± 0,42	5,2	4,4±0,42	22,5	18,1±0,07
12	Шўрва	2,8	3,7± 0,33	8,1	7,3±0,12	10,3	8,6±0,28

Академик лицей ва юқори синф ўқувчиларининг рационидagi нон ва барча мевалардан олинган намуналар таркибидаги углеводлар миқдори хроматограф методи ёрдамида лабораторияда таҳлил қилинганда меъёрдан бирмунча кўп эканлиги аниқланди (10-жадвалга қаранг).

10-жадвал.

17-18 ёшли ўқувчиларнинг истеъмол таомлари таркибидаги углеводлар миқдори (мг)

Моно- ва дисахаридлар	Намуналар номи						
	Нон	Помидор	Бодринг	Олма	Қовун	Мандарин	Банан
Фруктоза	0	1,3±0,05	0,56±0,008	3,7±0,1	4,3±0,11	6,8±0,005	9,3
Глюкоза	0	1,5±0,1	0,94±0,005	5,38±0,008	6,32±0,01	2,69±0,01	6,5
Сахароза	0,6±0,1	0,3±0,05	0,81±0,009	0,8±0,15	0,6±0,1	0,45±0,005	1,23
Мальтоза	1,0	1,2±0,1	0	0,55±0,01	0,8±0,05	1,30±0,1	2,5
Жами	1,6±0,1	4,3±0,3	2,31±0,02	10,5±0,2	12,1±0,3	11,2±0,16	19,7
Меъёр	1,1	3,5	1,8	9	9	8,1	19

Озик-овқат маҳсулотлари таркибидаги айрим сувда эрийдиган витаминлар миқдори ҳам ўрганилди. Текширилувчиларнинг истеъмол таомларидаги витаминлар миқдори меъёр билан солиштирилганда (11-жадвалга қаранг), аксарият намуналар таркибида витаминларнинг камлиги, бодринг, помидор

таркибидаги ниациннинг (PP витамини) 47 ва 40 фоизга кўплиги аниқланди. Мандарин таркибидаги В₂ витаминнинг миқдори меъёр даражасида эканлиги қайд қилинди.

11-жадвал.

17-18 ёшли ўқувчиларнинг истеъмол таомлари таркибидаги витаминлар миқдори (мг)

Витаминлар	Намуналар номи						
	Нон	Помидор	Бодринг	Олма	Қовун	Мандарин	Банан
В ₁	0,005	0	0,006	0,003	0,00122	0,00484	0,00223
Меъёр	0,16	0,04	0,02	0,03	0,04	0,06	0,04
В ₂	0,00243	0	0,12364	0,03095	0,01662	0,03154	0,01116
Меъёр	0,06	0,03	0,02	0,02	0,04	0,03	0,05
В ₆	0,00152	0,00201	0,00151	0,00086	0,00046	0,00132	0,0007
Меъёр	0,15	0,1	0,04	0,08	0,06	0	0,38
С		0,11684	0,02223	0,00781	0,00572	0,00971	0,00703
Меъёр	0	10	5	16	20	38	10
PP		0,44216	0,13976	0,14171	0,07025	0,06924	0,22218
Меъёр	1,61	0,3	0,1	0,3	0,04	0,2	0,6

Витаминлардан фарқли равишда нон ва мевалардан олинган тортмалар таркибидаги маъданли моддалар миқдори лабораторияда макро- ва микроэлементларни плазмалар индуктив боғланган масс-спектрометрия усули ёрдамида таҳлил қилинганда меъёрдан биров фарқ қилиши қайд қилинди (12-жадвалга қаранг).

12-жадвал.

17-18 ёшли ўқувчиларнинг истеъмол таомлари таркибидаги минерал моддалар миқдори (мг)

Минерал моддалар	Намуналар номи						
	Нон	Помидор	Бодринг	Олма	Қовун	Мандарин	Банан
Кальций	26,6±0,5	16,3±0,5	24,2±0,6	19,1±0,5	20,6±0,5	39,7±0,6	4,6±0,6
Меъёр	23	14	23	16	16	35	8
Фосфор	96,7±0,1	32,6±0,05	28,5±0,08	4,8±0,1	16,5±0,05	22,6±0,08	13,3±0,1
Меъёр	87	26	24	11	12	17	28
Магний	46,8±0,5	25,4±0,6	21,2±0,5	12,3±0,05	17,6±0,08	24,8±0,05	55,6±0,4
Меъёр	33	20	14	9	13	11	42
Темир	3,6±0,2	1,7±0,08	1,1±0,1	4,2±0,08	1,6±0,1	0,1±0,01	0,005±1,2
Меъёр	2	0,9	0,6	3	1	0,1	0,6

Масалан, нон, помидор, бодринг ва қовун таркибида биз ўрганган барча элементларнинг кўплигини, банан таркибида эса аксарият элементларнинг

камлигини, магнийнинг эса 32 фоизга ортиқлигини кўриш мумкин. Тахминан, шундай натижаларни олма ва мандарин таркибидаги маъданли моддаларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Мандарин таркибида биз ўрганган элементлардан фақат темирнинг миқдори меъёрдан фарқ қилмаслиги аниқланди.

ХУЛОСА

1. Академик лицей ва юқори синф ўқувчиларининг амалдаги овқатланишини ўрганиш натижасида юқори синф ўқувчиларининг кунлик рационада оқсиллар, ёғлар, углеводлар миқдори лицей ўқувчиларининг кўрсаткичларидан сезиларли даражада фарқ қилмаслиги аниқланди. А витамини ўртача 47,6 фоиз, D витамини эса 41,1 фоизга кам истеъмол қилинган. Минерал моддалардан фосфор ўртача 17,7 фоизга, темир элементининг 18 фоизга камлиги аниқланди. Йод элементи лицей ўқувчиларига нисбатан мактаб ўқувчилари томонидан 35,2 фоиз ортиқча қабул қилинганлиги қайд қилинди.

2. Қарши ва Термиз ҳудудидаги текширилувчиларнинг истеъмол таомлари таркибидаги асосий ва қўшимча озиқ моддалар миқдори ўзаро солиштирилганда, Қарши шароитидаги ўқувчилар томонидан аксарият озиқ моддаларнинг қабул қилиниши Термиздаги респондентларга нисбатан кўплиги аниқланди.

3. Текширилувчиларнинг умумий оқсиллар билан таъминланиши 17 ёшлиларда 14,6 фоизга кам бўлиб, 18 ёшлиларда эса бу кўрсаткич меъёр атрофида қабул қилинган. Шунингдек, углеводларнинг қабул қилиниши 17 ёшли ўғил ва қиз болаларда 18,2 фоизга кам бўлиб, 18 ёшлиларда эса меъёр атрофида эканлиги қайд қилинди. Умумий ёғлар ўсимлик ёғлари ҳисобидан меъёр даражасида ёки ундан кўп эканлиги аниқланди.

4. Кузатув ўтказилган барча респондентларнинг истеъмол таомлари таркибидаги витаминлардан фақат РР витамини меъёр атрофида, В₁ ва В₆ витаминлари меъёрга нисбатан сезиларли даражада кўп, қолган витаминлар эса (С, А, D, В₂, В₉ ва В₁₂) кам қабул қилинган. Истеъмол таомларида минерал моддалардан Са ва I га нисбатан тақчиллик аниқланди.

5. Тана вазни индекси (Кетле индекси) ўғил болаларнинг 80,4 фоизида меъёрий, 16,2 фоизида кам ва 3,4 фоизида ортиқча эканлиги қайд қилинди. Қиз болаларнинг 70,34 фоизида меъёрий тана массаси 27,08 фоизида кам тана массаси аниқланди. Ортиқча тана массаси ва I даражали семизлик фақатгина 17 ёшли қизларда қайд қилинди (1,88 ва 0,70 фоиз).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.В.70.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

УМЕДОВА ШОХИДА НУМАНОВНА

**ФИЗИОЛОГИЧЕСКАЯ ПОТРЕБНОСТЬ В ПИЩЕВЫХ
ВЕЩЕСТВАХ УЧАЩИХСЯ АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЕВ И
СТАРШЕКЛАССНИКОВ
(на примере Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей)**

03.00.08 – Физиология человека и животных

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по биологии**

Карши - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за номером В2019.4.PhD/В204 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена на кафедре Зоологии и физиологии Каршинского государственного университета.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (<http://qarshidu.uz>) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель

Курбанов Шониёз Курбанович
доктор биологических наук, профессор.

Официальные оппоненты:

Кучкарова Любовь Салижановна
доктор биологических наук, профессор.

Рузиев Юнус Самандарович
доктор философии (PhD) по биологии.

Ведущая организация:


**Каракалпакский государственный университет
имени Бердаха.**


Защита диссертации состоится «9» 07 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.В.70.03 при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, Карши, улица Кучабог, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет, Физико-математический факультет, кабинет №102.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 44) (Адрес: 180103, город Карши, ул Кучабог, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.ru.).

Автореферат диссертации разослан «22» 06 2021 г.
(реестр протокола № "103" от "22" 06 2021 г.).




Х.К. Хайдаров
заместитель председателя научного совета
по присуждению учёной степени,
доктор биологических наук, профессор.


Ш.А. Саматова
ученый секретарь научного совета
по присуждению учёной степени,
кандидат биологических наук, доцент.


Л.Х. Ёзиев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёной степени,
доктор биологических наук, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В бюллетенях департамента Всемирной организации здравоохранения отмечается наличие в последние годы ряда недостатков в питании подростков и связанных с ними алиментарных заболеваний. Если значительный дефицит макроэлементов в питании приводит к алиментарной дистрофии, то такая недостаточность белков становится причиной развития квашиоркора, маразма, белковой недостаточности, снижению физических и умственных способностей. Следствием микронутриентной недостаточности питания оказывается развитие гемералопии, рахита, цинги, анемии, эндемического зоба, эпилепсии, прасады и других заболеваний. Нормальное обеспечение физиологических потребностей организма в питательных веществах играет важную роль для профилактики этих случаев.

Исследователями из многих стран отмечается, что причиной увеличения числа алиментарных заболеваний является нездоровое питание населения. Установлено, что следствием нарушения норм питания является развитие таких состояний, как снижение физической и умственной работоспособности, увеличение или уменьшения массы тела, нарушение общего интеллекта, а также снижение сопротивляемости организма стрессовым факторам. В последние годы это наблюдается не только у взрослых, но и среди детей и подростков. В целях своевременного устранения подобных недостатков уделяется особое внимание обеспечению полноценного суточного рациона, проведения работ по пропаганде здорового питания среди населения.

В условиях Узбекистана имеются существенные различия в фактическом питании городских и сельских школьников, связанные с влиянием ряда социально-экономических и других факторов, особенностями местных традиций. Признана важная роль организации правильного питания для обеспечения нормального развития организма детей и подростков и их защиты от различных заболеваний. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ поставлена задача по «...формированию здорового образа жизни среди детей и молодежи». Определение на местах соответствия количества и качества суточного рациона детей и подростков нормативным требованиям с целью предупреждения нарушений, связанных с локальными особенностями питания, имеет научное значение.

